

**«Baraka» Инвестиция фонди акциядорлик жамияти  
акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши  
БАЁНИ**

Йиғилиш ўтказилган жой.  
Фарғона шаҳри, Комус кўчаси 40 уй.

Йиғилиш ўтказилган сана  
17 август 2020 йил соат - 10.00

«Baraka» ИФ АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши evote.uz платформасида электрон овоз бериш йўли билан ўтказилди.

Жамиятнинг жами овоз бериш ҳуқуқига эга акциялар сони 6709936 дона оддий акцияларни ташкил этади.

Бугуни умумий йиғилишда масофавий тарзда рўйхатдан ўтган акциялар сони-3 022 785 дона ва сиртдан рўйхатдан ўтган акциялар сони- 724 448 дона жами 3 747 233 дона акцияга эгалари рўйхатдан ўтди.

Умумий йиғилиш кворуми-55,85 фоизни ташкил этди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, амалдаги қонунчиликда агар жами овоз берувчи акцияларнинг 50% куп микдорда йиғилса умумий йиғилиш ваколатли ҳисобланади, яъни кворум тўпланган ҳисобланади.

Бугунги умумий йиғилиш evote.uz платформасида ўтказилаётганлиги сабабли кун тартибидаги барча масалалар бўйича маърузачи сифатида бошқарувчи компания директори О.Коробоев ҳисобот беради.

Кун тартибида:

1. Жамият бошқарувчи компаниясининг 2019 йил молия хужалик фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
2. 2019 йил яқуни бўйича аудитор ҳулосасини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2019 йил яқуни бўйича бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2019 йил яқуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш. Талаб қилинмаган дивидендларни фойдага олиш.
5. Жамиятнинг 2020 йил учун инвестиция декларацияси ҳамда харажатлар сметасини тасдиқлаш.
6. Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш.
7. Жамиятнинг тафтиш комиссиясини қайта сайлаш.
8. Жамиятни 2020 йил учун аудиторлик ташкилоти ва унга туланадиган хизмат хақи микдорини белгилаш.
9. Жамиятни активларини бошқариш бўйича бошқарувчи компания билан шартнома имзолаш.
10. Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси билан шартномани имзолаш.
11. Жамиятнинг ички низомларини тасдиқлаш.

**Кун тартибидаги биринчи масала:**

«BARAKA» Инвестиция фонди АЖда 2019 ҳисобот йили давомида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

Инвестиция фондининг хар чоракда ҳисоботлари уз вақтида тайёрланиб, Давлат Солик инспекциясига, Давлат Статистика бўлими, Қимматли коғозлар маркази, Давлат Марказий депозитарийларига топширилди.

«Қимматли коғозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборотни очиш тугрисида» Низом талабларини уз вақтида ва белгиланган тартибда бажариш мақсадида фондининг чоракли ҳисоботлари ҳамда ҳосил булган муҳим фактлари Республика матбуотида эълон қилиш бўйича хар чоракда оммавий ахборот воситаси, расмий веб сайт ва ягона порталда чоп этилди.

Фонд портфелидаги жамиятлар томонидан ўтказилган йил яқунлари бўйича ва навбатдан ташқари акциядорлар умумий йиғилишларида катнашиб жамиятнинг корпоратив бошқарувида актив иштрок этиш, фондининг манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятнинг

молиявий ҳолатини доимий равишда назорат қилиб бориш, жамиятларнинг фаолияти самарадорлигини ошириб соф фойдани купайтириш, ажратиладиган дивидендлар миқдорини ошириш мақсадида ушбу жамиятларнинг бошқарувига, кузатув кенгашига, тафтиш комиссиясига фонд номидан вакиллар киритилиб ушбу жамиятларда ишлар олиб борилди.

2019 йилда бажарилган ишлар юзасидан эришилган натижалар даромад ва харажатларни таҳлил қилиб чиққанимизда:

Жамият портфелидаги қимматли қоғоз ва улушлардан дивиденд кўринишида 290 061,39 минг сум, фоиз ва молиявий фаолиятнинг бошқа даромади шаклидаги фойдаси 244394,99 (60 268,34) минг сум, дивиденд кўринишидаги фойдаси 124865,98 (92 900,69) минг сўм, жами 369 260,97 (153 169,03) минг сум соф тушум бундан жами харажат 56 884,66 (43 307,38) минг сумни ташкил қилди. Бунда: бошқарувчи компания харажатлари – 24 000,0 (18468,45) минг сум, бошқарувчи компания муокофот пули 6 500,0 (0) минг сум, Марказий депозитарий харажатлари – 10 000,0 (9 324,91) минг сум, Кузатув кенгаши аъзоларига туланган мукофот пуллари 2 980,65 (2407,75) минг сум, аудитор текшируви учун – 5 000 (6 000,0) минг сум, банк харажатлари – 431,86 (374,53) минг сум ҳамда бошқа солиқлар ва харажатларга 5 227,45 (5184,77) минг сум ва фойда солиғи 22 314,92 (0) минг сўм. Жамият 2019 молия хужалик фаолияти бўйича жами 290 061,39 (109 861,65) минг сум соф фойда олинди.

**Кун тартибидаги иккинчи масала:**

Жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича “ТТТ-Аудит” МЧЖ халқаро ва миллий стандартлар асосида ўз текширувини амалга оширган бўлиб, ўз хулосаларини ижобий берган (илова қилинади).

**Кун тартибидаги учинчи масала:**

“Барака” ИФ АЖ нинг 2019 йил якуни бўйича бухгалтерия балансида инвестициялар ҳажми ўтган йилга нисбатан 880426,68- 1168760,83 ошган. Жамиятнинг соф активлари миқдори ўтган йилга нисбатан солиштирганда 865676,41 - 1099220,9 минг сўмни ташкил этмоқда.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар инвестиция портфелидаги жамиятлар томонидан дивидендлар ҳисобланиши ҳисобига биров ошган.

Молиявий натижаларга назар соладиган бўлсак, молиявий фаолиятнинг даромадлари ва дивидендлар шаклидаги даромадлар ўтган йилга нисбатан ўсган ва бунинг натижасида 2018 йил якуни бўйича 109861,65 минг сўм соф фойда олинган бўлса, 2019 йил якуни бўйича бу кўрсаткич 290061,39 минг сўмни ташкил этди (баланс ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот илова қилинади).

**Кун тартибидаги тўртинчи масала:**

Кузатув кенгаши томонидан 2019 йил якуни бўйича олинган 290061,39 минг сўм соф фойда тақсимоти бўйича қуйидагича тавсия берилган:

№	Курсаткич номи	%	Суммаси
1	Дивидендга	34,7	100 649 040,00
2	Фондни ривожлантиришга	60,3	174 909 280,50
3	Резерв фондига	5,0	14 503 069,50
Жами		100,0	290 061 390,00
1 дона акцияга (сум) – жами 6 709 936 дона			15,00 сум

Қонунчиликда белгиланган тартиб бўйича 3 йил муддат ичида акциядорлар томонидан талаб қилинмаган дивидендларни фойдага олиш мумкинлиги, ҳозирда “Барака” ИФ АЖ нинг бир неча йиллардан бери топишни имкони йўқ ва акциядорлар реестрида маълумотлари эки бўлган акциядорлар мавжуд бўлиб, улар билан умуман алоқа йўқлиги сабабли, 16 786 162,47 сўм белгиланган тартиб бўйича жамият фойдасига олиш масаласи бугунги умумий йиғилиш кун тартибига киритилди.

**Кун тартибидаги бешинчи масала:**

“Барака” ИФ АЖ нинг 2020 йил учун инвестиция декларацияси ҳамда харажатлар сметаси 2019 йил давомида амалга оширилган ишларни чуқур ўрганган ва амалга ошириладиган ишларни режалаштирган ҳолда ишлаб чиқилган (илова қилинади).

**Кун тартибидаги олтинчи масала:**

Кузатув кенгашига қуйидаги номзодлар тавсия қилинган:

1. Акбаров Нажмиддин,

2. Дадажонов Рустамали,
3. Абдувалиев Абдумалик,
4. Кадиров Хасан,
5. Алимов Улугбек,
6. Шокиров Юнусжон,
7. Акбаров Камолитдин.

**Кун тартибидаги еттинчи масала:**

Тафтиш комиссиясига қуйидаги номзодлар тавсия қилинган:

1. Фозилов Дилмурод,
2. Маткаримов Абдуллажон,
3. Комилов Сиддикжон.

**Кун тартибидаги саккизинчи масала:**

«Барака» ИФ АЖ нинг 2020 йил буйича аудиторлик текширишни «ТТТ-Аудит» МЧЖ ва унга тўланадиган хизмат хақи энг кўп миқдорини 10 000 000 сум белгилашни таклиф этилган.

**Кун тартибидаги тўкқизинчи масала:**

«Барака» ИФ АЖ активларини ишончли бошқариш тўғрисидаги шартномани «Ишонч ЛТД» МЧЖ билан имзолаш таклифи берилган.

**Кун тартибидаги ўнинчи масала:**

Қонунчиликда белгиланган тартиб бўйича «Барака» ИФ АЖ ва Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси ўртасида шартнома имзоланиши белгиланган ва бу бугунги умумий йиғилишда тасдиқлаш учун киритилган (илова қилинади).

**Кун тартибидаги ўн биринчи масала:**

Хозирги кунга келиб, амалдаги қонун ва қонун ости ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимча киритилмоқда.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда, жамиятнинг амалдаги ички низомларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва бундан ташқари акциядорлар умумий йиғилиш ва кузатув кенгаши мажлисларини масофадан туриб электрон овоз бериш орқали ўтказиш белгиланмоқда.

Шу сабабдан жамият акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши мажлисларини масофадан туриб электрон овоз бериш орқали ўтказиш тартибини тасдиқлашни тақозо этмоқда. (ички низомлар ва янги тартиб илова қилинади).

**Кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш натижалари қуйидагича:**

1-масала 100 % рози 3747233 овоз, карши ва бетарафлар-йўқ.

2-масала 100 % рози 3747233 овоз, карши ва бетарафлар-йўқ.

3-масала 100 % рози 3747233 овоз, карши ва бетарафлар-йўқ.

4-масала 100 % рози 3747233 овоз, карши ва бетарафлар-йўқ.

5-масала 100 % рози 3747233 овоз, карши ва бетарафлар-йўқ.

6-масала кумулятив овоз бериш натижалари;

1. Акбаров Нажмиддин – 3747233 овоз

2. Дадажонов Рустамали – 3747233 овоз,

3. Абдувалиев Абдумалик Абдуманнонович – 3747233 овоз,

4. Кадиров Хасан Тохтасинович – 3747233 овоз,

5. Алимов Улугбек Адхамович – 3747233 овоз,

6. Шокиров Юнусжон Юсубжонович – 3747233 овоз,

7. Акбаров Камолитдин Нажмиддинович – 3747233 овоз.

7-масала 100 % рози 3747233 овоз, карши ва бетарафлар-йўқ.

8-масала 100 % рози 3747233 овоз, карши ва бетарафлар-йўқ.

9-масала 100 % рози 3747233 овоз, карши ва бетарафлар-йўқ.

10-масала 100 % рози 3747233 овоз, карши ва бетарафлар-йўқ.

11-масала 100 % рози 3747233 овоз, карши ва бетарафлар-йўқ.

## Овоз бериш натижаларига кўра умумий йиғилиш қарор қилди.

1. Жамият бошқарувчи компаниясининг 2019 йил молия хужалик фаолияти яқунлари буйича ҳисоботи тасдиқлансин.

2. 2019 йил якуни буйича аудитор хулосалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. «Барака» ИФ АЖ нинг 2019 йил яқунлари буйича бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботи тасдиқлансин.

4. «Барака» ИФ АЖ нинг 2019 йил якуни буйича соф фойдаси 290 061,39 минг сум қуйидагича тақсимлансин:

№	Курсаткич номи	%	Суммаси
1	Дивидендга	34,7	100 649 040,00
2	Фондни ривожлантиришга	60,3	174 909 280,50
3	Резерв фондига	5,0	14 503 069,50
Жами		100,0	290 061 390,00
1 дона акцияга (сум) – жами 6 709 936 дона			15,00 сум

«Барака» ИФ АЖ акциядорлари томонидан охириги уч йил давомида талаб қилинмаган 16786162,47 сўм миқдоридagi дивидендлар жамият фойдасига олиш тасдиқлансин.

5. «Барака» ИФ АЖ нинг 2020 йил учун инвестиция декларацияси ҳамда харажатлар сметаси тасдиқлансин.

6. Жамият кузатув кенгаши таркибига қуйидаги номзодлар сайлансин.

1. Акбаров Нажмиддин,
2. Дадажонов Рустамали,
3. Абдувалиев Абдумалик,
4. Шокиров Юнусжон,
5. Алимов Улугбек,
6. Кадиров Хасан,
7. Акбаров Камолиддин.

7. Жамият тафтиш комиссия таркибига қуйидаги номзодлар сайлансин.

1. Фозилов Дилмурод,
2. Матқаримов Абдуллажон,
3. Комилов Сиддикжон.

8. Жамиятни 2020 йил бўйича аудиторлик текширувчига «ТТТ-Аудит» аудиторлик ташкилоти танлансин ва унга тўланадиган хизмат ҳақининг юқори миқдори 10,0 млн. сўм этиб белгилансин.

9. Жамиятни активларини бошқариш бўйича «Ишонч ЛТД» МЧЖ бошқарувчи компанияси билан тузилган шартнома бир йил муддатга узайтирилсин.

10. «Барака» ИФ АЖ ва Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси билан тузиладиган шартнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

11. «Барака» ИФ АЖ нинг амалдаги ички низомлари ҳамда акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши мажлисларини масофадан туриб электрон овоз бериш орқали ўтказиш тартиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Йиғилиш раиси:



О. Карабаев

Йиғилиш котиби:

Ш. Курбонова

Йиғилиш баёни имзоланган сана 25 август 2020 йил.